## Юртимизда Наврўз кезмоқда

# ДИЛ ИЗҲОРИ

**Муяссар ЮСУПОВА, Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туманидаги 461-болалар боғчаси мудираси:**

– Биласизми, байрамлар ҳаммадан ҳам кўра болажонларимизга кўпроқ қувонч ва шодлик бахш этади. Улар мактаб, боғчаларда бундай айёмларга анча барвақт тайёргарлик кўришади. Бу ҳолатни бизнинг боғчамизда ҳам кўриш мумкин. Жажжи тарбияланувчиларимиз баҳорнинг илк кунлариданоқ Наврўзи оламни интиқ кутишган эди. Тарбия масканимизда янгиланиш ва яшариш айёмига бағишлаб байрам ўтказдик. Кўклам чечакларидан сочларига чиройли жамалак таққан қизчалару, ораста кийинган болакайлар Наврўз ҳақида шеър, қўшиқлар айтиб, рақслар ижро этишди. Ўшанда уларнинг чеҳраларида жилва қилган беғубор қувончларини бир кўрсангиз эди.

Бугун пойтахтимизнинг байрам руҳи уфуриб турган, одамлар билан гавжум масканларини айланиб юрарканман, болажонларимиз шодликларини кўриб, бир қувончимга-ўн қувонч қўшилди. Шукрки, юртимизда тинч-осуда ҳаёт, фаровон турмуш устувор. Гўдакларнинг беғубор қаҳқаҳалари янграган жойда кўнгиллар хотиржам бўлади. Биз орзулаган соғлом авлод ҳамиша мана шундай байрамларни хурсандчилик билан қаршилашини истайман.

**Ойбек ИСЛОМОВ, республика тасвирий ва амалий санъат билим юртининг 8-синф ўқувчиси, иқтидорли ёш рассом:**

– Мен фасллар орасида баҳорни жуда яхши кўраман. Чунки бу пайтда табиат уйғониб, бутун борлиқ яшнаб кетади. Айниқса, Наврўз кунлари юртимиз табиати сержило, турфа бўёқлар билан безалади. Бундай кезларда рассомлар ҳам ўзгача илҳом билан ижод қилишларини яхши биламан. Менинг Ўзбекистон баҳори, янгиланиш ва яшариш айёми ҳақида ишлаган расмларим бир қанча халқаро ёш рассомлар кўргазмаларида эътибор қозонди.

Ўтган йили Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳрида бўлиб ўтган ана шундай анжуманда «Тўйбола» номли картинам бош мукофотга сазовор бўлган эди. Очиғи, ана шу суратда ҳам баҳор фасли акс эттирилган бўлиб унда юртимиз табиатга хос бўлган ранглардан фойдаланган эдим. Кўргазмага дунёнинг турли чеккаларидан келган хорижлик тенгдошларим ҳам бу нарсани эътироф этишди. Насиб этса, ҳали Наврўз ҳақида яна кўплаб ажойиб суратлар чизиш ниятидаман.

**Шоира ХУШВАҚТОВА, Сирғали тумани, уй бекаси:**

– Ҳар йили шу куни пойтахтимиз янаям чиройли бўлиб кетгандек туюлади. Одамларнинг бир-бирларини баҳор айёми билан қутлаётганликларини кўриб, ўзбекона лутф, меҳр-оқибатнинг борига шукр қиламан. Ахир, кишилар Наврўзга бежиз меҳр-оқибат байрами, дея таъриф беришмайди-да. Илойим, юртимизда мана шундай шукуҳли кунлар кўп бўлсин.

Кеча катта қизим уйга сумалак кўтариб келди. Дугоналари билан мактабида буғдой кўкартириб, сумалак пиширишган экан. «Янги чиққан янгилик, ҳеч кўрмайлик ёмонлик», дея яхши ниятлар билан ундан татиб кўрдим. Жуда мазали бўлибди. Ўзим ҳам озроқ буғдой кўкартираяпман. Қўни-қўшниларни чорлаб, сумалак қилмоқчиман. Момоларимиздан мерос ана шу одатлар ҳамон яшаб келаяпти. Бу анъаналарни бугун биз қилсак, эртага қизларимиз давом эттиришади.

**Ҳасан ТОШПЎЛАТОВ, Мирзо Улуғбек туманидаги «Туркистон» маҳалласи раиси:**

— Наврўз маҳалладан бошланади, десам асло янглишмаган бўламан. Чунки, бу байрам арафасида маҳалла аҳли шанбаликлар уюштириб, ариқ-зовурларни тозалашади, дарахтларни оқлашади, яхши ният билан кўчатлар ўтказишади, атроф-муҳит тозалиги ва кўкаламзорлаштириш борасидаги барча ишларни бажаришади.

Бунда инсонлар ўртасидаги гиналар унутилиб, беморлар, қариялар ва ёрдамга муҳтож оилалар аҳволидан хабар олинади. Буларнинг барчаси халқимизнинг қадимий инсоний одатларидан саналади. Маҳалламизнинг бу борадаги ишлари тўғрисида гапирсам, Наврўз куни 25 оилага озиқ-овқат маҳсулотларини улашдик. 10 нафар ёш болани эса ёзги кийим-кечаклар билан сийладик.

Йилимиз соғлом авлод йили деб эълон қилинди. Шу муносабат билан маҳалламиз болалари учун теннис клуби ва таэквандо тўгарагини ташкил этдик.

Истардимки, халқимиз Наврўзни ҳар доим катта ютуқлар ва яхши кайфият ила кутиб олаверсин.

**Ғ. ЭШМУРОДОВ ва Э. МАВЛОНОВ ёзиб олди.**

# ЯНГИ МАРКАЗ

Мамлакатимизда соғлом авлод тарбиясига катта эътибор берилмоқда. Наврўз байрами арафасида пойтахтимиздаги биринчи Тошкент тиббиёт институти клиникаси қошида Аёллар репродуктив саломатлиги республика ўқув-услубий марказининг очилиши бунинг бир мисолидир.

Ушбу марказни ташкил этиш ҳаракати бир неча йил бурун бошланган эди. Юртбошимиз томонидан 2000 йилни Соғлом авлод йили деб эълон қилиниши унинг тезроқ ишга туширилишига туртки бўлди. Махсус ажратилган даволаш масканида 55 бемор ўрни мавжуд бўлиб, бу ерда Германиянинг «Хард» фирмаси ишлаб чиқарган энг замонавий ва қулай туғруқ кроватлари, оналар ва болалар кроватлари ўрнатилган. Бир ва икки кишига мўлжалланган хоналар рангли телевизорлар, музлатгичлар, юмшоқ мебеллар билан жиҳозланган. Хуллас, марказда аёлларнинг тиббий муолажа билан бирга, мириқиб дам олишларига ҳам шароит яратилган.

– Шифо масканимизда на-

## Туҳфа

фақат пойтахтимиз, балки республикамизнинг турли чеккаларидан келган аёллар даволанишлари мумкин, – дейди Аёллар репродуктив саломатлиги маркази раҳбари, тиббиёт фанлари доктори, профессор Маҳмуда Каттахўжаева. — Биз аёлларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифати ва самарасини янада ошириш билан бирга, институтимиз талабаларининг олаётган билимларини мустаҳкамлашга ҳаракат қиламиз. Шу мақсадда илмий даражага эга бўлган юқори малакали профессор-ўқитувчиларни ишга жалб этамиз. Айни пайтда, марказимизда республикамиздаги мавжуд тиббиёт олий ўқув юртлари педагоглари ҳам келиб, малакаларини ошириб кетишлари мумкин.

Марказда аёлларда учрайдиган турли гинекологик хасталиклар даволаниб, улар ҳомиладорликка тайёрланади. Ўз навбатида, ҳомиладорлик даврида ва туғруқдан кейинги соғломлаштириш юмушлари ҳам олиб борилади. Клиникадаги замонавий даволаш-диагностика ускуналари бу борада қўл келди. Лазер нури билан даволаш, беморларни ультратовуш ёрдамида текширувдан ўтказиш, республикамизда ягона бўлган ядро-магнитли резонатор аппаратларидан фойдаланиш ана шулар жумласидандир.

**Ғафур ШЕРМУҲАММАД, «Халқ сўзи» мухбири.**

# "УЛУҒБЕК ЮЛДУЗЛАРИ"

Буюк ўзбек астрономи ва математиги, давлат арбоби Муҳаммад Тарағай Улуғбек таваллуд топган кунга 606 йил тўлди. Шу муносабат билан Республика киночилар уйида "Улуғбек юлдузлари" мавзуида хотира кечаси бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш Улуғбек жамғармаси, Мирзо Улуғбек номидаги Миллий Университет, "Ўзбеккино" давлат акционерлик компанияси ташкил этган бу тадбирда пойтахтимиз олий ўқув юртларининг талаба ёшлари, ўқитувчилари, жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Ўзбекистон халк ёзувчилари Абдулла Орипов, Одил Ёқубов, Улуғбек жамғармаси бош директори Аброр Ҳазратқулов кечада сўзга чиқиб, буюк алломанинг авлодларга қолдирган бой илмий мероси, маънавиятимиз тарихида тутган юксак ўрни ҳақида гапирдилар.

Улуғбек номидаги жамғарма бобокалонимиз таваллуд кунига бағишлаб "Келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз" мавзуида энг яхши иншо ва рефератлар кўрик-танловини эълон қилган эди. Кечада танлов ғолибларига мукофотлар топширилди.

**(ЎзА)**

# ҲУРРИЯТ АРДОҚЛАГАН АЙЁМ

**Ҳали миллий истиқлол ғалабасига мамлакатимиз етиб келмай туриб, Йўлбошчимиз 1990 йилнинг май ойида «Наврўз халқ байрамини ўтказиш якунлари тўғрисида»ги Фармонга имзо чеккан эди. Ана шу Фармондан эътиборан юртимизда Наврўз кенг кўламда нишонлана бошланди. Эндиликда ҳар йили 21 мартни умумхалқ байрами ва дам олиш куни сифатида ўтказиш қонуний тус олди.**

Оллоҳга ҳамду санолар бўлсинки, биз ҳурриятга етишдик. Дарвоқе ватанимиз ва халқимиз истиқлолни қўлга киритгандан бери ўтган салкам тўққиз йиллик шонли юксалиш даврида биз Наврўзи оламни, озод ва саодатманд миллатларга ўхшаб эркин байрам қилмоқдамиз. Зеро, давлатимиз бошлиғи айтганларидек, «Тинчлик барқарор бўлган юртга байрам ярашади», «...Тотувлик, осудалик бўлган жойдан бало-қазолар йироқ юради»

Умар Хайём ўзининг «Наврўзнома» номли асарида Наврўзи оламда кун билан тун тенг бўлиб, «Дунё мувозанатга келиши»ни айтиб, шундай ёзади: «Кимки Наврўз куни байрам қилиб қувонса, кейинги Наврўзгача хуррам бўлади ва фароғатда яшайди».

Ҳазрат Алишер Навоий Наврўзи олам ибтидосида кун билан туннинг соатлар миқдори жиҳатдан баб-баробар, яъни роппароса 12 соатдан иборат бўлиб қолишини севимли маҳбубнинг бўйи билан тенг бўлган қора сочига ўхшатади:

*Васли аро кўрдум,*
*тенг эмиш бўйи-ю сочи,*
*Тун-кун тенг экан,*
*зоҳир ўлур бўлди чун Наврўз.*

Наврўзи оламни бирор диний таълимот билан боғлиқ ҳолда талқин қилиш жаҳолатдан бошқа нарса эмас.

Хўш, Наврўз байрамида бирор диний тадбир эмас, балки ҳазил мутойибалар, қизиқчилик, аския, беғубор шодлик, шўх қўшиқлар, жонбахш рақслар, гулхан ёқиш, гулхан атрофида рақслар, бойчечак териш, гул сайли, кураш, чавандозлик, цирк томошалари, дорбозлик, улоқ, сумалак пишириш, меҳмондўстлик сингари халқнинг ижодкорлиги эркин қанот ёзиб, авжга чиқишини қайси маълумотли одам билмайди, дейсиз?!

Шу билан бирга, Наврўз она табиат нафосати ва меҳнатсеварлик билан узвий алоқадор бўлган маросимдир. Она табиатга муҳаббат, меҳнатсеварлик заминни яшнатади, эл турмушини обод ва фаровон этади. Наврўзнинг бу эзгу амаллари халқимизнинг янги-янги авлодларига қадрли бўлиб қолишининг савоби катта. Ҳозирги миллий мустақилликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, янгиланиш ва демократиялаш жараёнида Наврўз байрами бир вақтнинг ўзида ҳам маънавий тарбияга, ҳам нафосат тарбиясига, ҳам ватанпарварлик тарбиясига, ҳам аҳлоқий тарбияга, умуман, баркамол авлодни тарбиялашга баббаробар хизмат қила оладиган халқона миллий маросимдир.

**Маҳмуджон НУРМАТОВ,**
**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети профессори.**



*Уйда бўлса бир пиёла*
*Олиб чиққин, қоқиндиқ,*
*Асал билан болдан аъло*
*Сумалакни соғиндик.*

## Таълим тизимида ислоҳотлар

# «УСТОЗ»НИНГ ХАЙРЛИ ҚАДАМЛАРИ

**Кейинги йилларда республикамиз олий ва ўрта махсус таълим масканларида малака ошириш ва халқаро тажриба алмашиш борасида кўплаб амалий ишлар қилинди.**

**Бу борада, айниқса, республика «Устоз» жамғармаси томонидан олиб борилаётган фаолияти диққатга сазовор. Жамғарманинг мақсадли йўналишга эга бўлган амалий ишлари кутилган натижаларни бераяпти десак, муболаға бўлмайди.**

«Устоз» жамғармаси ўз фаолиятини бошлаганига эндигина икки йилдан ошаяпти. Аммо унинг педагог ва ўқитувчилар билим даражасини такомиллаштириш ва малакасини ошириш борасидаги ишлари диққатга молик. Ўтган ўқув йилининг ўзида олий ва ўрта махсус таълим масканлари, коллеж ва лицейларнинг педагог ва ўқитувчиларидан 210 нафари АҚШ, Англия, Франция, Исроил, Малайзия каби давлатларнинг нуфузли ўқув юртлари ва таълим марказларида малака ошириб қайтган бўлсалар, шу йилнинг январ ойида эса жамғарма йўлланмаси билан яна 31 киши Исроил давлатида бўлиб, турли мутахассисликлар бўйича тажрибаларини ошириш имконига эга бўлишди.

Жамғарма халқаро миқёсда иш олиб бориш билан бирга, республикамизда ҳам малака ошириш курсларини ташкил қилмоқда.

Ана шундай бир ойлик, икки ҳафталик курслар ўтган йили жамғарма томонидан ҳуқуқ, иқтисодиёт, журналистика соҳалари бўйича амалга оширилди. Ўтган йилнинг декабри ва жорий йилнинг январ ойида эса ЮНЕСКО ташкилоти билан ҳамкорликда алоҳида дастур асосида Сирдарё ва Наманган вилоятларида мактаб ва лицей ўқитувчиларининг малакасини ошириш бўйича катта тадбир ўтказилди.

Малака ошириш тадбирларига кетадиган маблағ жамғарма ЮНЕСКОнинг Таълим, маданият ишлари соҳаси бўйича эълон қилинган танловига қатнашиб, ютган маблағлари асосида топилди.

Сирдарё ва Наманган вилоятларида ўтказилган тадбирларга «Устоз» жамғармаси совринини қўлга киритиб, АҚШ, Англия, Франция, Исроил, Малайзия давлатлари таълим марказларида малака ошириб, тажриба орттириб қайтган ўқитувчилар жалб қилинди. Улар икки вилоятда ўқув марказлари ташкил қилиб, ўқишга асосан чекка қишлоқлардаги мактаб ва лицейларнинг лаёқатли ўқитувчиларини жалб қилишди. Ўқув дастури ахборот технологиялари, замонавий ўқув усуллари, таълим сиёсати билан ҳар томонлама таништиришдан иборат бўлиб, содда ва оммабоп тарзда тузилган. Бундан ташқари, жамғарма тингловчиларга кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, жамиятда маънавий қадриятларнинг ўрни, ўқитувчи мақоми, оиладаги таълим ҳақида қизиқарли семинарлар уюштирди.

–Бундай ўқув тадбирларини навбати билан бошқа вилоятларда ҳам амалга оширишни режалаштириб қўйганмиз, – дейди «Устоз» республика жамғармасининг ижрочи директори Абдужаббор Абдувоҳидов. – Булардан ташқари, жамғармамизнинг ҳар бир вилоят марказидаги мавжуд филиаллари базасида информацион ресурс марказларини ташкил қиламиз. Уларда Интернет тизими алоқаларини амалга ошириш борасида ҳам жиддий ишлар олиб борилмоқда.

«Устоз» республика жамғармасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва узлуксиз таълим тизимини амалга ошириш борасидаги хайрли ишлари келажакда янги самаралар бериши, шубҳасиз.

**Юсуф ҲАМДАМОВ, филология фанлари номзоди.**

# САХОВАТ

**Айни кунларда «Маҳалла» жамғармасида иш қизғин. Деярли бир ойдан бери шу аҳвол. Сабаби Наврўз байрами.**

**Маҳаллаларда байрамни кўнгилдагидек ўтказиш, ёлғиз қариялар, етим-есирлар, кам таъминланган ва кўп фарзандли оилалар ҳолидан хабар олиш, кўнгил кўтариш, хайр-эҳсон қилиш жамғарманинг байрам режасидан алоҳида ўрин олган.**

**Куни кеча Сирдарё вилоятига 850 килограмм шакар, гуруч ва 200 та совға юборилди.**

**Тошкент шаҳар «Бекобод» маҳалласида истиқомат қилувчи кам таъминланган оилаларга 50 килограмм шакар ва гуруч тарқатилди.**

**Бундай савобли тадбирлар йил бўйи давом этади.**

**Ўз мухбиримиз.**

# ШАҲАР ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

**Кончилар шаҳри Ангреннинг қиёфаси кундан-кунга чирой очиб бормоқда. Наврўз умумхалқ байрами олдидан ўтказилган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги туфайли боғ ва хиёбонлар, кўчаларга янада файз кирди. Ҳозиргача бу ерда ўтказилган мевали ва манзарали дарахт кўчатлари 12 мингдан, гул кўчатлари эса саккиз минг тупдан ошиб кетди. Эътиборли томони шундаки, бундай хайрли ишлар асосан ҳашар йўли билан амалга оширилмоқда. Айни пайтда ўндан ортиқ янги савдо ва маданий шаҳобчалар ҳам очилиб, шаҳарликларга дастлабки хизмат кўрсатишни бошлаб юборди.**

**Н. ДУШАЕВ, ЎзА мухбири**

# ОРОЛБЎЙИ АҲОЛИСИГА ЁРДАМ

Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти билан Америка Қўшма Штатлари Қизил Хоч жамияти ўртасида ҳамкорлик алоқалари тобора ривожланиб бораяпти. Хусусан, улар ўртасида Оролбўйи минтақасида мураккаб экологик шароитда яшаётган аҳолига гуманитар ёрдам кўрсатиш бўйича қўшма дастур имзоланган эди. Яқинда ана шу дастурнинг биринчи босқичи амалга оширилди. Олис Америка диёридан келтирилган икки минг тонналик юк Урганчга етказиб берилди. Ун, гуруч, ўсимлик ёғи ва бошқа турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари шу ернинг ўзидан тегишли туманларга тарқатилди.

Маҳаллий ҳокимиятлар, қишлоқ фуқаролар йиғинлари вакиллари ана шу хайрия ёрдамини эҳтиёжманд оилаларга тўғри тақсимлашда Қизил Ярим ой жамияти бўлимларига яқиндан ёрдам беришмоқда.

Шу кунларда қўшма дастурнинг иккинчи босқичини амалга ошириш ишлари ҳам бошлаб юборилган. Унга биноан яқин вақтлар ичида Оролбўйи ҳудуди аҳолисига навбатдаги гуманитар ёрдамни уюштириш мўлжалланган.

**Э. ҒОФУРОВ.**

## Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академиясига 2000-2001 ўқув йили учун тингловчилар қабул қилиш ҚОИДАЛАРИ.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 19 апрелдаги Фармонига биноан, Академиянинг асосий вазифаси давлат бошқаруви ва жамоат ташкилотлари тизимларининг раҳбарлик лавозимлари учун замонавий талабларга жавоб берадиган, юқори малакали мутахассислар тайёрлашдан иборат. Ўқув жараёни кадрларнинг сиёсий, маданий, маънавий ва профессионал тайёргарлик мажмуини ўз ичига қамраб олади. Академия таҳсили тингловчиларда миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланган замонавий тафаккурни, билимдонликни, ташаббускорлик ва муаммоларни ҳал қилишга ижодий ёндошиш фазилатларини шакллантиришга қаратилган.**

**Академияда қуйидаги факультетлар мавжуд:**

1. ***Давлат ва жамият қурилиши (ўқиш муддати 10 ой).***
2. ***Бозор иқтисодиёти асослари ва тамойиллари (ўқиш муддати 10 ой).***
3. ***Давлатлараро муносабатлар ва ташқи иқтисодий алоқалар (икки мутахассислик бўйича «Халқаро муносабатлар», «Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар») (ўқиш муддати 12,5 ой).***

Давлат ва жамият қурилиши, бозор иқтисодиёти асослари ва тамойиллари факультетларига тингловчилар ҳокимият ва бошқарув органлари раҳбар ходимлари, жамоат ташкилотлари ва бирлашмалари, хўжалик тизимлари раҳбарлари сафидан; ҳар томонлама зукко, маънавий ва профессионал жиҳатдан етук, олий ўқув юртини битирганларидан сўнг камида икки йил меҳнат стажига эга бўлган мутахассислар танлаб олинади.

Давлатлараро муносабатлар ва ташқи иқтисодий алоқалар факультети тингловчилигига Ташқи ишлар вазирлиги ва Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги тизимининг, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, жамоат ва хўжалик тузилмаларининг олий маълумотли, чет тилларини мукаммал биладиган, ташқи алоқалар соҳасида камида 2 йил иш стажига эга, Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган юқори ва ўрта бўғин раҳбарлари, халқаро муносабатлар билан шуғулланувчи мутахассислар қабул қилинади.

Академиянинг 10 ва 12,5 ойлик курслари ўқув дастурларини тўлиқ ҳажмда тугатган тингловчиларга танланган мутахассислик бўйича белгиланган шаклда магистр даражасидаги давлат дипломи берилади.

Академияни муваффақиятли тамомлаган тингловчилар сафидан раҳбар лавозимларга номзодларнинг заҳираси шакллантирилади. Академияни битирганлар нуфузли давлат муассасаларининг раҳбар ходимлари лавозимларига қабул қилинишда алоҳида имтиёзга эга бўладилар.

**ҚАБУЛ ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИ:**

**1.** Академияга тингловчиларни қабул қилиш қабул комиссияси томонидан амалга оширилади. Қабул комиссиясининг таркиби Академия ректори томонидан тасдиқланади.
**2.** Академияга тингловчиларни қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорига биноан белгиланган ўринларга қараб амалга оширилади.
**3.** Ҳужжатлар 1 майдан 31 майгача қабул қилинади.

***Қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатлар топширилади:***

- *давлат, жамоат ёки хўжалик тузилмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят (Тошкент шаҳар) ҳокимлиги раҳбариятининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташкилий-кадрлар сиёсати ва Давлатлараро муносабатлар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича хизмати билан келишилган ҳолда тайёрланган йўлланма-тавсияномаси;*
- *тавсия этилаётган шахснинг аризаси;*
- *олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси;*
- *шахсий варақа;*
- *меҳнат дафтарчасидан кўчирма;*
- *086/у - шаклдаги тиббий маълумотнома;*
- *4х6 сантиметр ўлчамли 6 та рангли фотосурат;*
- *маълумотнома (объективка)*
- *паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлик ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.*

**4.** Академия тингловчиликка номзодлар учун кириш имтиҳонлари фанларидан 1 июндан 10 июнга қадар консультациялар уюштиради.
**5.** Академияга кириш имтиҳонлари 12 июндан 24 июнга қадар суҳбат ва компьютер-тест синовлари тарзида ўтказилади. Тест синовлари мутахассисликларга қараб қуйидаги муайян фанлар мажмуи асосида ўтказилади:

Давлат ва жамият қурилиши бўйича - Ўзбекистон тарихи, ҳуқуқшунослик, иқтисод.

Бозор иқтисодиёти асослари ва тамойиллари бўйича - иқтисод, ҳуқуқшунослик, информатика, маркетинг ва менежмент.

Ижтимоий-сиёсий мавзу ва чет тили (инглиз ва бошқа тиллар) бўйича суҳбат ўтказилади (ҳар иккала факультет учун).

Халқаро муносабатлар мутахассислиги бўйича-чет тили, Ўзбекистон тарихи, ҳуқуқшунослик, иқтисод.

Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар бўйича - чет-тили, иқтисод, ҳуқуқшунослик, информатика, маркетинг ва менежмент.

Ижтимоий-сиёсий мавзу бўйича суҳбат ўтказилади.

**6.** Танлов қабул комиссияси томонидан амалга оширилади, у суҳбат ва тест синовлари натижалари асосида рейтинг усулида (таълим йўналишлари ва чет тиллари бўйича алоҳида-алоҳида) ўтказилади.
**7.** Тингловчиларни ўқитиш манфаатдор корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда алоҳида шахслар билан тузиладиган шартнома асосида ҳам амалга оширилади.

Ўқиш муддати давомида тингловчиларнинг асосий иш жойидаги ўртача иш ҳақи сақлаб қолинади. Бошқа шаҳарлардан келган тингловчиларга таҳсил мобайнида асосий иш жойидан ўқиш жойигача бориш ва қайтиб келиш йўл ҳақлари ва суткалик харажатлари тўланади ҳамда улар ўқишга йўлланган ташкилот томонидан харажати қопланадиган ётоқхона билан таъминланадилар.

Бошқа давлатлар фуқаролари шартнома (контракт) асосида ўқитилади.

Шартнома (контракт) тузиш шартлари ҳамда ўқиш учун тўлов миқдори Академия қабул комиссияси томонидан белгиланади.

**8.** Қабул комиссиясининг қарори 1 июлдан кечиктирилмай эълон қилинади. Ушбу қарор Академия ректорига тингловчиларни ўқишга қабул қилиш ҳақидаги буйруқларни расмийлаштириш учун асос бўлади.

Тўлов-шартнома асосида ўқишга кираётган шахслар қабули уларнинг ўқиши учун белгиланган тўлов Академия ҳисобига ўтказилганидан сўнг амалга оширилади.

**Ўқиш 4 сентябрдан бошланади.**

**Мурожаат учун манзил: Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 45. Тел: 132-60-72, 132-61-43.**

2693

